✦ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН ✦

# ОБРЎ АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ОШАДИ

Конференция арафасида барча даволаш муассасалари бошланғич касаба союз ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари бажарилган ишларни чуқур таҳлил этиб, касаба союз ташкилотлари фаолиятига холис баҳо бердилар. Йиғилишлар давомида тўртта касаба союз фаолияти қониқарсиз деб топилди. 29 та касаба союз бюроси раисига, 19 та касаба союз группаси ташкилотчисига қайта ишонч билдирилмади. Улар ўрнига жамоат ишларини жон—дили билаң бажарувчи, касаба союз аъзолари манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи ишчан кишилар сайланди.

Бу табиий ҳол. Эндиликда одамлар касаба союз фаолларининг сўзига қараб эмас, балки бажараётган амалий ишига қараб баҳо бермоқдалар. Сайлаб қўйилган кўпгина фаоллар жамоатчилик ишончини зарур даражада оқламаяптилар, тиббиёт ходимлари ва уларнинг фарзандлари саломатликларини мустаҳкамлаш, иш ва уй-жой шароитларини яхшилаш, социал муаммоларни ҳал этишда ниҳоятда сусткашлик қилмоқдалар. Шундай бўлсада, вилоят касаба союз комитети раиси М. М. Йўлдошеванинг ҳисобот докладида ишни барбод этаётган касаба союз фаолларининг биронтаси ҳам танқид қилинмади. Буни сўзга чиққан нотиқлар ҳам эслатиб ўтишди.

Ҳар бир корхона, шаҳар ва районда беш йиллик бошида «Саломатлик» дастури тузилган эди. Унинг бажарилиши устидан назорат қилиб бориш бевосита касаба союз ташкилотлари зиммасига юкланган эди. Лекин фаоллар бошқа ишлар билан ўралашиб, ходимлар саломатлигини муҳофаза этиш билан зарур даражада шуғулланмадилар. Беш йиллик тугаётган бўлса-да, дастурда белгиланган тадбирларнинг ҳали ярми ҳам бажарилгани йўқ. Оқибатда тиббиёт ходимлари ўртасида касалланиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Биргина С. Раҳимов ноҳияси даволаш муассасаларида бетоблик туфайли ҳар юз ишловчи 1512 кун йўқотаяпти. Вилоят бўйича эса бу рақам 1260 кунни ташкил этаяпти.

Касаба союз ташкилотлари бадан тарбия ва соғломлаштириш тадбирларига бюджетнинг атиги 5 фоизини сарфлашаяпти. Бу жуда ҳам кам. Парҳез таомлар учун ажратилаётган маблағлар эса умуман ўзлаштирилмай қолаяпти. Даволаш муассасаларининг ярмидаң кўпида санитария-маиший хоналар ташкил этилмаган. Бунга 700 дан ортиқ шифокор ишлаётган 17-шаҳар касалхонасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Касалхона касаба союз комитети ходимлар учун оддийгина ечиниш-кийиниш жойлари, аёллар гигиенаси хонасини ҳам ташкил этмаган.

Кўпгина даволаш муассасаларида коллектив шартномаларнинг бажарилиши устидан етарлича назорат қилинмаяпти. Айниқса, шартномаларнинг меҳнатни муҳофаза этиш қисми эътиборсиз қолаяпти. Шу боисдан ҳам шикастланишлар кўпаймоқда. Ўтгаң йили содир бўлган бахтсиз ҳодисалар туфайли уч киши ҳаётдан кўз юмди.

Конференция делегатлари даволаш муассасаларида уй-жой масалалари ҳам ниҳоятда қониқарсиз ҳал этилаётганлигини ташвишланиб гапирдилар.

— Йигирма йилдаң бери биронта ҳам квартира олганимиз йўқ, — деди Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ўқитувчилари касаба союз комитети раиси С. Орифжонов. — 300 га яқин киши уй-жой шароитини яхшилашга муҳтождир.

— Бу касаллик ҳамма жойда бор, — унинг сўзини қувватлади Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев. — 1800 киши ишлайдиган 1-шаҳар касалхонасига неча йиллар давомида атиги учта квартира ажратилди, холос. Тиббиёт муассасаларига ажратилаётган маблағ ниҳоятда кам. Уч ходимга иккита халат тўғри келаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Жиҳозлар устида гапирмаса ҳам бўлади. Аҳвол шундай бўлгани ҳолда текширишларнинг кўплиги бизни ҳайрон қолдиради. Қани энди ҳар бир текширувдаң сўнг амалий ёрдам кўрсатилса. Йўқ, текширувчилар келиб-кетаверади, аҳвол эса ўзгармайди. Фақат вақтимиз кетгани қолади. Вилоят касаба союз комитети текширувларни тартибга солишга таъсир кўрсатса, айни муддао бўларди.

Ёки бошқа бир муаммони олиб қарайлик. Врачлар йигирма тўрт соатлаб навбатчилик қилишади-ю лекин бунга ортиқча ҳақ олишмайди. Вилоят касаба союз комитети бу масалани жумҳурият молия министрлиги олдига қўйиши керак. Ахир улар шифокорлар манфаатини ҳимоя этишга даъват қилинганлар-ку.

Касаба союз ташкилотлари санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақсимлаш, улардан самарали фойдаланиш устидан ҳам назоратни кучайтиришлари керак. Айрим ҳолларда шифокорлар учун ажратилгаң йўлланмалар бошқа ташкилотларга «оқиб» кетаяпти. 4-бош бошқарма санитария-эпидемиология станциясида шундай бўлди. Баҳорда станция ходимларидан бирига 8-Март номли санаторийда даволаниш учун йўлланма берилди. Лекин у йўлланмани бошқа одамга иноғом қилди. Ўрта Осиё медицина педиатрия институти студентлари касаба союз ташкилотида ҳам шундай ҳоллар учраб турибди.

Музокараларда қатнашган Тошкентдаги 2-касалхона бош врачи М. Зокирова, педиатрия илмий-текшириш институти касаба союз ташкилоти раиси Б. Нурматов, Октябрь район даволаш-профилактика бирлашмаси касаба союз комитети раиси И. Йўлдошхўжаев ва бошқалар ҳам ҳисобот даврида бажарилган ишларни чуқур таҳлил этиб бир қатор таклифларни ўртага ташладилар.

Конференцияда вилоят касаба союзлари Совети секретари Д. М. Ғуломова сўзга чиқди.

Конференцияда тиббиёт ходимлари касаба союзи вилоят комитети, тафтиш комиссиясининг янги составлари, союзлараро XIV Тошкент вилоят конференциясига делегатлар сайланди.

# СИЛЖИШ СЕЗИЛМАЯПТИ

**ҲАЁТ Сандазимовнинг суяги қишлоқ қурилишида қотган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Мана ўттиз йилдирки, у Оржоникидзе ноҳиясидаги ўнлаб қишлоқларда бунёдкорлик билан шуғулланмоқда. Чорак асрдан бери комплекс бригадага раҳбарлик қилади. Ўзининг ҳалол меҳнати билан райондаги бинокорларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Штатсиз мухбиримиз Д. Облаевнинг Ҳ. САИДАЗИМОВ билан суҳбати бригаданинг шу кундаги ишлари ва қишлоқ қурилиши муаммоларига бағишланди.**

— Коллективимиз ташкил этилганига 25 йил бўлди. Шу давр мобайнида ноҳиямиз қишлоқларида кўплаб турли-туман биноларни барпо этишда қатнашдик. Молхоналар, уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, бошқа шу каби бинолар қурилишига ҳисса қўшганмиз. Бу билан қишлоқларимизни ободонлаштиришга, деҳқонларнинг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашга муайян даражада кўмаклашдик.

Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўз касбини ардоқлайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай бинони ўз вақтида ва сифатли қуришга эришаяпмиз. 1-механизациялашган кўчма колоннамиз бригадалари ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада кўпинча совринли ўринларни эгаллаяпмиз.

Унумли меҳнатдан аввало ўзимиз наф кўраяпмиз. Хўжалик ҳисоби асосида ишлаш яхши самара бермоқда. Бунинг натижасида меҳнатимизнинг пировард натижасидан манфаатдорлигимиз ошди. Биноларни қанча тез ва сифатли қурсак, шунчалик кўп рағбатлантирилаяпмиз. Шу туфайли ҳам олаётган иш ҳақимизнинг анчагина қисмини мукофотлар ташкил этмоқда.

Лекин бундан ҳам унумлироқ ва баракали ишлашимиз мумкин. Қишлоқ қурилишини ташкил этишдаги камчиликлар бунга халақит бермоқда. Фикримизнинг далили учун мисол келтирмоқчиман. Шу кунларда коллективимиз «Коммунист» колхозидаги 1568 ўқувчига мўлжалланган 33-ўрта мактабда қўшимча бинолар қуришда қатнашмоқда. Биз бу ерда қатор синфхоналар, спорт зали, устахоналар барпо этишимиз керак. Зиммамиздаги вазифа жуда шарафли. Шунинг учун ҳам барча қурилиш ишларини белгиланган муддатда тугатиш мақсадида ҳар бир дақиқани ғанимат билиб ишлаяпмиз.

Бироқ, юқорида айтганимдек, қурилишни ташкил этишдаги камчиликлар катта қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Очиғини айтганда, бу ҳақда гапиравериб чарчадик. Чунки бундай аҳвол деярли барча бинолар қурилишида содир бўлади. Уни колонна раҳбарлари ҳам, қолаверса область «Агропромстрой»идагилар ҳам яхши билишади. Лекин уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилмаяпти.

Айниқса, қурилиш материаллари ва машина-механизмлар билан таъминлашдаги узилишлар қийнамоқда. Масалан, ўзаро келишилгани бўйича Яланғоч ғишт заводлари бошқармаси бизга ҳар ойда 230 мингта ғишт етказиб бериши керак. Амалда эса бундай бўлмаяпти. Энг кўп деганда 170 мингтадан ошмаяпти. Буни олиб келишнинг ҳам ўзи бўлаётгани йўқ. Ўзимиз ёрдам бермоқдамиз. Бригадамиз аъзоларида уч-тўрт нафар киши доим ғишт заводи коллективи ёнида ишламоқда. Уларни юбормасак ғишт ҳам келмай қўяди. Бундай аҳвол пудрат усули асосида ишлаётган биз каби коллективлар учун қимматга тушмоқда. Натижада биз ҳам буюртмачи билан икки ўртада тузилган шартномани бажаришда қийналяпмиз. Кўриниб турибдики, биргина ғишт етказиб беришдаги нуқсонлар қурилиш билан шуғулланувчи бир неча бўғин учун фақат зарар келтирмоқда. Мен фақат асосий қурилиш материали ҳисобланган ғишт ҳақида тўхталдим. Бошқалари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қисқаси, материалларни кутмасдан, асабийлашмасдан ишлайдиган кунларимиз жуда кам бўлади.

## ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ

Яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз қураётган бинолар бир неча қаватли. Шу сабабли кўтарма кранларсиз ишлашнинг иложи йўқ. Лекин бундай агрегатлар вақтида юборилмайди. Кичик механизациялар бошқармаси раҳбарларининг лоқайдликлари туфайли илтимосларимиз вақтида бажарилмайди ёки механизмлар кеч юборилади. Бизнинг иш вақтимиз эрталаб соат 9 да бошланади. Лекин бирон кун ҳам кўтарма кранларнинг шу вақтда ихтиёримизга юборилганини эслай олмаймиз. Ҳар доим кеч келади. Ўрта ҳисобда биз иш бошлагандаң кейин бир ярим соат ўтгач етиб келади. Ваҳоланки, юқори қаватларда териш учун ғишт, ўрнатиш учун темир-бетон-конструкциялари, қоришма бўлмаса иш бошлаш мумкин эмасқу?! Кечагидан қолгач бўлса бир нави. Лекин кўпинча ишни охирига етказиб қўямиз. Бундай пайтда вақт билан ҳам ҳисоблашиб ўтирмаймиз.

Бизнинг колоннамизда техника хавфсизлигининг умуман эътибордан четда қолганлиги кишини ажаблантиради. Унинг энг оддий талабларига ҳам риоя қилинмайди. Тартибга мувофиқ бинокорлар махсус коржомалар билан таъминланиши лозим. Каскалари, ҳимоя кўз ойнаклари бўлиши керак. Амалда эса уларни олмаяпмиз. Борлари ҳам жуда эскириб кетган. Фойдаланиш муддатлари бир неча баравар ўтганига қарамай янгилари билан алмаштирилмайди. Бу ҳам майли. Ишимиз учун жуда зарур бўлган бетон бадиаси, қоришма идишлари ҳам етишмайди. Бунинг устига деярли барча иш жараёнлари қўлда бажарилмоқда. Бундай аҳвол қачонгача давом этади? Қишлоқ қурилишининг индустрия даражасини ошириш вақти келди.

Бинокорлик материалларининг етишмаслиги оқибатида ишдан ташқари вақтларда ҳам меҳнат қилишга мажбур бўлаяпмиз. Бундан мақсадимиз графикдаң қолиб кетмаслик. Кўпинча шанба, якшанба кунларини қурилишда ўтказамиз. Шунга мажбур бўлаяпмиз. Тартибга мувофиқ дам олиш кунлари ишлаганимиз учун ҳақ тўланиши, ҳатто қўшимча ҳақ тўланиши керак. Лекин колонна раҳбарлари буни инобатга олмаяптилар. Улар кўпинча, сизларни дам олиш кунлари ишлашга ҳеч ким мажбур қилаётган йўқ, дейишади. Биз иш манфаатини кўзлаб шундай қиламизку! Албатта бу ҳисобга олиниши лозим. Шундай қилмасак, қурилиш ишлари чўзилиб кетиши турган гап. Бу билан материаллар ва механизация воситаларини кутиб бекор ўтган вақтимиз ўрнини тўлдирамиз.

Яна бир муаммо бор. Ҳозир мактабни қўшимча бинолари қурилишида кўпгина бинокорлик ва монтаж ташкилотлари вакиллари қатнашмоқда. Пардозловчилар, ободонлаштирувчилар, электриклар, сантехниклар ва бошқалар биз билаң ёнма-ён туриб меҳнат қилишяпти. Биргина бизнинг бригадамиз аъзолари сафида 26 нафар бинокор бор. Бошқа касбдаги қурувчилар ҳам бундан кўп бўлса кўпки, кам эмас. Лекиң бинокорларга ҳеч қандай маиший қулайлик яратилмаган. Ошхона йўқ, ҳамма уйдан олиб келган таомларни совуқлигича истеъмол қилишга мажбур бўлаяпти. Ҳатто вақтинчалик душ ҳам йўқ, ювина олмайсан. Бу ҳам эътиборсизлик оқибатидир.

Ушбу суҳбатда қишлоқ қурилишининг деярли ҳар куни кўзга ташланадиган айрим камчиликлари ҳақидагина тўхталдим. Буларнинг ҳаммаси биргина бино қурилишида содир бўлмоқда. Қурилишни ташкил этишдаги нуқсонлар эса жуда кўпдир. Улар ниҳоятда секинлик билан камаймоқда. Бу қишлоқ қурилишига қайта қуриш талаблари етарлича кириб бормаганлигидан нишонадир. Қишлоқларда ҳам йирик-йирик иншоотлар, уй-жойлар, маданий-маиший муассасаларни барпо этиш кенгаяётганлиги юқорида келтириб ўтилган ва бошқа шу каби камчиликларни, тезроқ бартараф этишни тақозо қилади. Бундан қишлоқ қурилиши фақат наф кўради.

• *Қардошлик, дўстлик оиласида* •







# ҚАДАМЛАРИ ҚУТЛУҒ КЕЛДИ

Республика «Билим» жамият миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш мақсадида қардош жумҳуриятларнинг таниқли олимлари, ёзувчилари, санъаткорлари билан учрашувлар уюштиришга киришди. Шартномага кўра яқинда бир гуруҳ қирғиз қардошларимиз Ўзбекистонга келишди. Делегация таркибида СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, Қирғизистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ойсулув Тўқонбоева, «СССР 50 йиллиги» номидаги Қирғизистон Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди Бибира Оқмуллаева, ёзувчи Мар Байжиев, Қирғизистон давлат агросаноат бошқармаси олий мактабининг доценти, иқтисод фанлари номзоди Нурлан Эшмамбетов, республика университети доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Суеркул Қўсоқовлар бор эди.

* * *

Ўрта Чирчиқ райони меҳнаткашлари қирғизистонликларни очиқ чеҳра, ширин каломлар билан кутиб олишди. Дўстларимизнинг пойқадамлари қутлуғ келиб, шу куни давлатга пахта топшириш плани областда биринчи бўлиб бажарилди. Меҳмонлар Терешкова номли колхознинг коммунист Абдумалик Султонов бошлиқ бригада дала шийпонига ташриф буюришди. Бу ерда бригада аъзоларининг қардошлар билан дўстлик учрашуви ўтказилди.

Учрашувга бағишланган йиғилишни колхоз раиси Зокир Юсупов очди.

— Колхозимизда қирғиз миллатига мансуб кишилар кўпчиликни ташкил этади, — деди у, — 2 та бригада аъзолари қирғизлардан иборат. Улар бошқа миллат вакиллари билан аҳил-иноқ яшаб, эл-юрт маъмурчилигига катта ҳисса қўшмоқдалар. Қайта қуриш, ошкоралик туфайли ҳамма миллатларнинг қадриятлари, урф-одатлари тикланмоқда.

Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент Суеркул Қусоқовга сўз берилди.

— Қирғизистон ССР Олий Советининг сессиясида қирғиз тили давлат тили деб эълон қилинди, — дея сўз бошлади меҳмон. — Тўғри, анча қаршиликларга учрадик, қийинчилик-мушкулликлар билан чўчитмоқчи бўлишди. Биз ҳаммасига бардош берамиз, дедим. Чунки, миллий тилга давлат мақоми бермасдан, миллий маданиятимиз, миллий анъаналаримизни сақлаб қолишимиз қийин. Ўзбекистонда ҳам қирғизлар кўп. Сессияда бошқа жумҳуриятларда яшайдиган қирғизларга ўз она тилларида ўқиш имкониятини яратиш, уларни ўқув қўлланмалари билан таъминлаш зарурлиги айтилди. Болтиқбўйи республикаларида ўзбек, қозоқ, қирғизларни Ўрта Осиё вакиллари дейишади. Чунки, биз турлича номланганимиз билан тилимиз, урф-одатларимиз, бир, қуда-қудағай бўлиб, бир-биримизга сингишиб кетганмиз. Ана шу бирлигимизни сақлаб қолиш учун тез-тез учрашиб, ташвиш-қувончларимизни, тажрибаларимизни ўртоқлашиб турганимиз яхши.

— Мен болалигимдан рус тилида ўқидим, Ленинградда таълим олдим, — деди СССР халқ артисти Ойсулув Тўқонбоева, — рус тили бошқа миллатлар билан мулоқот олиб боришимга, санъат сирларини эгаллашимга катта ёрдам берди. Лекин, ўз она тилимни унутиб юбораёзганимдан ҳали-ҳали ҳижолатдаман. Негаки, кўпинча рус тилида гаплашамиз. Ҳатто ўз она тилини биладиганлар ҳам русча сўзлашадилар. Яхшиямки, қайта қуриш даври бошланди, ҳар бир миллатга ўз миллий тили, миллий анъаналарини ривожлантириш имконияти берилди.

Ойсулув Иттифоқимиздагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам машҳур санъаткорлардан. У қирғиз миллий операсини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшиб келмоқда. Учрашувда у оналарга бағишланган қўшиқни ижро этди.

Шундан сўнг, савол-жавоблар бўлди. Райондаги ўрта мактабларда қирғиз тили ҳам ўқитилса, ўқув қўлланмалари кўпайтирилса, деган таклифлар айтилди.

Биз шу ўринда район партия комитетининг миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш борасида амалга ошираётган ибратли ишларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Яқинда районда байналмилал маданий-маърифий марказ ташкил этилди. Марказнинг 7 секцияси миллий анъаналарни тиклаш, миллий байрамларни ўтказиш билан шуғулланмоқда.

Колхознинг Шохназар Бердиева раҳбарлигидаги «Умид» бадиий ҳаваскорлик, Азиза Умрзоқова етакчилигидаги «Қувонч» фольклор ансамбллари коллективлари қардошлар ташрифига бағишлаб махсус тайёрлаган концерт программаларини намойиш этишди.

Шу куни меҳмонлар райондаги Энгельс номли колхозда ҳам дўстлик учрашувларини ўтказдилар.

**Э. ҚОСИМОВ.**

**Суратларда:** учрашувдан лавҳалар.

**А. ЗУФАРОВ** суратлари.

• *Фан оламида: ўрганилаётган ва ўрганишга лойиқ муаммолар* •

# ҚУЁШ ҲАМ ТЕБРАНАДИ

Жаҳон астрономия фани яна бир янги йўналиш бўйича тадқиқот ишларини бошлади. Қуёш тебранишини кузатиш ва унда рўй берадиган физик ҳамда химиявий ҳолатлар ўрганиш имконини берадиган халқаро программанинг ташаббускори Франциядаги Ницца университетининг профессори Эрик Фосса бўлди.

— Юқори ҳароратли сайёралар бўйича энг йирик мутахассислардан бири бўлган бу олим Ўзбекистонни ҳам ўз юртидай севади, — дейди республика Фанлар академияси Астрономия институти директори Таймас Саттиевич Йўлдошбоев. — Унинг раҳбарлигида ўтган йили Чимён тоғлари билан туташиб кетган Қумбел чўққисида қуёш «таржимаи ҳоли»ни ўрганувчи илмий база иш бошлади.

Бу тадқиқот маркази Совет Иттифоқида ягона бўлиб, унда француз олимлари тайёрлаб берган энг замонавий телескопдан фойдаланилмоқда. Анча узоққа мўлжалланган программа қуёшнинг тебранишини бетўхтов ўрганиб боришни кўзда тутган. Бу мақсадда ер юзининг саккиз нуқтасида (Қуёш кун-туннинг қайси қисмида қаерда бўлишига қараб) улкан телескоплар ўрнатилади. Хусусан, ҳозирнинг ўзида АҚШнинг Стенфорд шаҳрида, Марокашда, Чилида илмий базалар иш бошлади, Испания, Австралияда ҳам фаннинг янги қирғасини тадқиқ этишга киришилмоқда.

Бу борада эришилаётган дастлабки натижалар сайёранинг анчагина ички сирларини очди. У ўз ўзагига эга эканлиги, вақти келса унинг атрофида беш минутга яқин тебраниб туриши, қуёш ички қатламларида рўй берувчи бўронли ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Лекин соҳани ўрганишга киришган истеъдодли олимлар Шуҳрат Эгамбердиев, Шукур Ҳолиқовларнинг таъкидлашларича, «ҳали бу йўналиш очилмаган қўриқни эслатади». Уни очишда қуёш тебраниши билан шуғулланувчи жаҳон олимларининг тадқиқот натижаларини марказлаштириш муҳим роль ўйнайди.

Албатта йиллар ўтиб, ҳайрли ишни бошлаган Эрик Фоссани қувонтирадиган ана шундай кун ҳам келади.

# Ғаройиботларни ким тадқиқ этади?

Газета ва журналлар ғаройиб ҳодисалар ҳақида бот-бот ёзадиган бўлиб қолишди. Биоток билан даволайдиган шифокорлар, томирни ушлаб касалликни аниқлайдиган қўли енгил табиблар ҳақида тушунчаларимиз кенгайди. Лекин ҳозирги кунда кўпчиликни қизиқтираётган, шов-шувга сазовор бўлаётган воқеалар ҳам оз эмас. Бу чет сайёралардан келган жисмлар, «ҳар бир миллатнинг ўз тилида гаплаша оладиган «сайёҳлар» ҳақидаги гаплардир. Қашқадарё областида, Наманганда, ҳаттоки пойтахт шаҳарнинг Юнусобод даҳасида бундай ҳодисалар юз бергани, «бўйни йўқ, узун бўйли» одамлар билан суҳбатлашганлар тўғрисида хабарлар тарқалди.

— Бу «мўъжизалар» мени ҳам ҳайрон қолдирмоқда, — дейди Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика институтининг директори Тўхтамурод Жўраевич Жўраев, — илгари «учар тарелкалар» борасида гап-сўзлар бўлиб турар, аммо ҳеч ким эътибор бермасди. Менимча, фан бу ажойиботларга ростмана юз ўгириши керакка ўхшайди. Лекин шуни айтиш керакки, чекка сайёралардан келган «меҳмонлар» билан бизнинг институтимиз шуғулланмайди.

Астрономия институтида бир гуруҳ мутахассислар «биз фақат юлдузлар билан машғулмиз» дея жавоб беришди. Физика-техника институтидагилар эса «сайёҳлар бизга қарамайди» деган маънода бироз ҳайратланишди ҳам.

Биз бу илмий муассасаларга чет сайёралардан келган жисмлар, жонзотлар билан шуғулланмаганликлари учун таъна қилмоқчи эмасмиз, албатта. Учар тарелкалар билан боғлиқ воқеалар кўлами ҳозирги вақтда анча кенгайди. Аҳолининг эса бундай ҳодисалар ҳақидаги маълумотларга эҳтиёжи катта. Рўй бераётган воқеалар тўғрисида олимлар жуда бўлмаса кўрганлар билан суҳбатлашиб фикр билдиришлари, ҳодисаларни шарҳлашлари керакмикан, деган мулоҳазадамиз.

# Ердаги мўъжизаларга нима дейсиз?

Ўн уч—ўн тўрт ёшда бўлсам керак, тут пишиғи маҳали эди. Уйимизга анчагина меҳмонлар келишди. Жиянларим балх тут теришга чиқайлик деб қолишди. Уйимиздан бир чақиримча нарида, қабристон этагида катта балх тут бор эди. Ойимнинг майли «укаларингни ўйнатиб келақол» деган сўзлари билан каттароқ тоғорача кўтариб тут тергани кетдик. Новдаларни маржондек безаган азим дарахтнинг шохларига ўтириб олиб маза қилдик. Кейин идишни тўлдирдик. Энди кетишга чоғланиб турган ҳам эдикки, осмондан тушдими, ердан чиқдими билмай қолдик, оқ яктак, оқ иштон кийган чўққи соқолли бир чол олдимизда пайдо бўлди. У оёқ яланг эди. Биз унга салом бердик. Мен тоғорачани яқин тутиб «тут енг, ота» дедим. Чол уч-тўрт дона олиб оғзига солди ва «Экканга раҳмат денглар, болаларим, асалга айланиб кетибди», —деди. У шу заҳотиёқ кўзимиздан ғойиб бўлди. Биз қўрқиб кетган эдик. Уйга қараб югурдик. Нафасимиз оғзимизга тиқила-тиқила бўлган воқеани катталарга гапириб бердик.

— Туш қизиғига қолиб кетдингларда болам, мен сизларни бунчалик узоқ юрасизлар деб ўйламовдим, — дедилар ойим.

Болалик даври ўтди. Кексаларнинг бу гапи қанчалик тўғри ёки тўғри эмаслигига кафолат беролмайману, аммо чолнинг бир пасда пайдо бўлиб, шу ернинг ўзида ғойиб бўлиб қолишини эсласам, этим жунжикиб кетади. Бир менгина эмас, дўстим Мирҳамид жиянларим Озода, Шоҳида, Маҳмуджонлар ҳам бу воқеани ҳамиша ҳайрат билан эслашади.

Энди ёшимиз улғайди. Ўша ҳодисаларни билим, фан юзасидан таҳлил этиб кўришга уринаман. Илмий китобларда галлюцинация ҳолатида одамнинг кўзига ҳар нарса кўриниши айтилган. У ҳолда битта мен эмас, бошқалар ҳам чолни ўз кўзлари билан кўришди, у йўқ бўлиб қолгач, қўрқувга тушиб қочишди. Қолаверса, ахир ҳамма бирдек шундай ҳолатга тушмайди-ку. Бу воқеа ўша вақтнинг ўзида бизга сир бўлганича ҳамон сирлигича қолиб келмоқда.

Ёки яна бир ҳодисани олайлик. Унда 10 ёшлардаги бола эдим. Акам ва уларнинг ўртоқлари Шукурхўжа ака билан Юнусобод оқтепаси этагидаги (у пайтда колхоз ерлари эди) полизда тушликдан сўнг қовун-тарвуз узаётган эдик. Катта пайкалдан қуйироқда қишлоғимиздан Юнусободга қараб арава йўли ўтарди. Бу кўча қалин тупроқли эди. Бирдан Шукурхўжа ака «ие» деб бақириб қолдилар: «Қўчқор ака, қаранг Восиқнинг ўйнашига қаранг», —деб ҳайратланардилар. Ҳалиги тупроқли кўчада сувчи Восиқ ака (у колхозга шаҳардан вақтинча кўчиб чиққан эди) ростмана қулоч ташлаб сакраб-сакраб ўйнарди. Билқиллаган тупроқнинг чанги кўтарилар, тўзон ичида жуда-жуда тез айланиб, жон-жаҳди билан рақсга тушарди.

— Бу бежиз эмас, — дейишди катталар ва у томонга югуриб кетишди. Мен ҳам улардан қолмадим. Йўл-йўлакай Шукурхўжа ака алланималарни пичирлаб бордилар. Восиқ акага етиб олгач бир нарсаларни ўқиган эдилар, у кўчага таппа йиқилди. Уни суяб уйига олиб кетишди. Восиқ ака шундан кейин уч ой касалхонада ётиб чиқди. Яхши шифо топмабди. Кейинчалик эскича ўқитувлардан кейин оёққа туриб кетганлигини гапириб берди.

Ҳозир акам ва Шукурхўжа ака пенсия ёшидалар. Бўлган воқеа уларнинг худди кечагидек ёдида. Восиқ ака шаҳарга кўчиб кетган. Ўшанда бу воқеани жинларнинг ишига йўйишгани эсимда. Умуман, биз болаларни ажиналардан эҳтиёт бўлиш тўғрисида кўп огоҳлантиришарди. Шундай пайтларда акам:

— Ҳеч чўчима, мен қоровулчиликда ажина билан деярли ҳар тунда гаплашаман, — деб далда берардилар. Ҳикоя қилишларича, ажина кечаси гоҳ сочи тақимига тушадиган гўзал аёл бўлиб, гоҳ таниш оғайнилардан бўлиб келаркан.

Чайлага чиқиб кўрпани тортқиларкан. Милтиқни қўлларига олишлари билан бир зумда ғойиб бўлар экан. Бир қараганда бу афсонага ўхшайди. Бунга биров ишониб, биров ишонмаслиги ҳам мумкин. Лекин Восиқ аканинг тупроқли кўчада берилиб ўйнаганини ўз кўзим билан кўрганлигим учун инсон бу ғаройиб ҳодисаларга бефарқ қарамаслиги керак экан, деган хулосага келаяпман.

Илгарилари булар тўғрисида ёзиб бўлмас эди. Энди ошкоралик пайти. Бу ҳодисаларнинг аҳамияти борми-йўқми барибир инсонлар ҳаётига даҳлдор. Уларни чуқурроқ ўрганиш балки руҳият билан боғлиқ фанимизни бойитар, қандайдир бўшлиқни тўлдириб инсон саломатлигига хизмат қилар.

**С. ҲАСАНОВ.**

